



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 5 февраль ● сешанба ● № 5 (564) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 10 ЙИЛ ТЎЛДИ

1998 йил — Мамлакатимизда «Оила йили» деб эълон қилинди.

1998 йил 30 апрель — Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси» қабул қилинди.

2001 йил 5 февраль — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Она ва бола» давлат дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

2002 йил 5 июль — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг ус-тувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

2007 йил 18 май — Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.



ОИЛАДАГИ ОСОЙИШТАЛИК...

хонадонлардаги хотиржамлик жамият фаровонлигининг муҳим мезонидир

«Оила» илмий-амалий Маркази директори Васила Каримова билан суҳбат

— Маълумки, мустақиллик йилларида оила ҳимояси давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Даставвал, бу борада «Оила» илмий-амалий маркази томонидан амалга оширилган

ишлар хусусида сўз юритсангиз. Республика «Оила» илмий-амалий маркази ходимлари оилаларнинг ижтимоий ҳимояси жараёнининг ҳуқуқий асосларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш,

қонуний никоҳнинг афзалликларини биринчи навбатда, ёшларга тушунтиришга алоҳида эътибор беради. Марказнинг «Оила ва ҳуқуқ асослари» бўлимида 1998 йилдан буён амалга ошириб келинаёт-

ган тўртта илмий-тадқиқот лойиҳасидан қўзланган мақсад ҳам аҳоли, биринчи навбатда хотин-қизлар ва ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш, аёллар ва вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга боғлиқ

омиллар комплексини ўрганиш ва маълумотлар асосида оммабоп рисола-лар ҳамда ўқув қўлланма-лари, монография-лар чоп этиб, аҳолига етказишдан иборат бўлади.



Қонуннинг моҳияти

ПОЧТА ТЎЛОВЛАРИ ХИЗМАТЛАРИ

тўғрисидаги Битимга қўшилишнинг моҳияти ва аҳамияти

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Буҳарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида»ги Қонуни 2007 йил 4 октябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди ҳамда Олий Мажлис Сенати томонидан 2007 йил 1 декабрь куни маъқулланди. 2007 йил 18 декабрь куни матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди. Мазкур Қонун Президентимизнинг «Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида»ги Қарорига асосан ишлаб чиқилган.


Ушбу Қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси «Иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги интеграциялашувни чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартнома»да катнашувчи давлатларнинг жисмоний шахслари томонидан пул ўтказмаларини амалга ошириш тартиб-қоидаларини содда-лаштириш ҳақида Москва шартномада имзоланган Протоколга қўшилган. Мазкур Протокол талабларига биноян иштираётган давлатлар почта пул ўтказмалари бўйича хизматлар кўрсатишда Почта тўловлари хизматлари тўғрисида тузилган Битим доирасидаги Умумжаҳон почта иттифоқининг норма ва қоидаларига амал қилишлари кўзда тутилган.

1874 йилда ташкил этилган Умумжаҳон почта иттифоқи БМТнинг махсус ташкилоти мақоми олган халқаро ҳуқуқатлараро ташкилот бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимиз мазкур ташкилотга 1994 йилда аъзо бўлиб кирди. Бугунга келиб, 191 давлатни (2007 йил октябрь ойига қадар) қўллаб-қувватловчи бирлаштирилган халқаро почта миқозларга қарийб 6800 тилда хизмат кўрсатади. Етти юз мингдан ортиқ почта корхоналарида олти миллиондан ортиқроқ хизматчи йилга 430 миллиардга яқин почта жўнатмаларини қайта ишлаб, дунёнинг турли бурчакларига етказиб беради.



Тадбиркорлик билан шуғулланиш мамлакатимиз фуқароларининг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, бу ҳуқуқларнинг юзага чиқишига давлат ҳар томонлама қўмаклашади, уларни тўла қоғолатлайди. Зеро, тадбиркорлик тараққий топан давлатгина иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, гуллаб-яшнаши мумкин.

Адлия ёрдам берди ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯДА



Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги ва 2003 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари билан адлия органлари зиммасига тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ва

манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилишини таъминлаш вазифаси юклатилган. Адлия органлари ушбу вазифаларни амалга оширишда аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқиб, тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижросини доимий равишда ўрганиб бориши, аниқланган камчиликларни бартараф этиши ва айбдор шахсларнинг тегишли жавобгарликка тортилишини таъминлаш тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг самарали усуллари билан бири хисобланади.



МУРОЖААТЛАР

«ИНСОН ВА ҚОНУН» НИГОҲИДА ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Газетанинг шу йил 22 январь сонидан чоп этилган «Қонунга зид аралашув маъмурий жавобгарликка сабаб бўлди» сарлавхали мақолада таъкидлаб ўтилган ҳуқуқбузарлик ҳолати вилоят ДСЭМ мутахассислари, шаҳар ва туман ДСЭМ бош врачлари ҳамда НКОФМ бўйича масъул мутахассислар иштирокида 24 январь куни умумий йиғилишда муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларини текширишда ҳуқуқбузарлик ҳолатининг олдини олиш борасида назоратни усайтириб юборганлиги учун Булунгур туман ДСЭМ бош врач А.Уммотовга вилоят ДСЭМнинг 2008 йил 24 январдаги 11-у сонли буйруғига асосан «хайфсан» эълон қилинди. Туман ДСЭМ санитария врачлари А.Ҳасановга жиноят ишлари бўйича Булунгур ту-

ман суди томонидан қўлланган маъмурий жарима чораси ва туман ДСЭМ бош врачига 2007 йил 24 июлда 18-сонли буйруғига асосан эълон қилинган «хайфсан» инобатга олинди. Шаҳар ва туман ДСЭМ бош врачлари ҳамда НКОФМ бўйича масъул мутахассислари келгусида ҳуқуқбузарлик ҳолатларига йўл қўймаслик борасида огоҳлантирилди.

Х.БОЙМУРОДОВ,
Самарқанд вилояти Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врач

ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗГАТИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Имом ат-Термизий кўчаси, 51-уй, 126-хонадонда яшовчи фуқаро М.Темирбаеванинг «2007 йил 31 июль куни Тошкент шаҳридан Нукус шаҳрига сафари чоғида автобус юкхонасидан 1 миллион сўмга яқин буюмлари йўқолганлиги ҳақидаги мурожаати назоратга олинди, Нукус шаҳар прокуратураси томонидан текшириш ҳаракатлари олиб борилди.

2008 йил 16 январь куни мурожаатда кўрсатилган ҳолат бўйича Жиноят кодексининг 169-моддаси, 2-қисми, «б» банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишнинг тергов ҳаракатлари Нукус шаҳар ИИБ тергов бўлими томонидан олиб борилмоқда.

С.ИМАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

Тизим Тадбирлари

АЖДОДЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНАМИЗ

Адлия вазирлигида ҳуқуқшунос олима, юридик фанлари номзоди Феруза Муҳиддинова билан учрашув-мулоқот бўлиб ўтди.

Унда улуг аллома, фикҳ ва қалом илмида шухрат қозongan аж-додимиз Абу Мансур ал-Моту-рудийнинг маънавий мероси, у яратган асарларнинг ҳуқуқшунос-лик илми ривожиди-даги ўзига хос аҳамияти хусусида сўз юритилди. Ф.Муҳиддинова алломанинг бу борадаги қарашларига оид кўплаб мисоллар келтирди. Учрашувда йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ақида СУЛТОНОВА,
«Инсон ва қонун» муҳбири

ВАТАН ИЧРА ВАТАН

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси Самарқанд шаҳар «Зоминий» маҳалла фуқаролар йиғинида Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар йиғилиш ўтказди.

Тадбирда вилоят адлия бошқармаси, Марказий банк вилоят бош бошқармаси, «Ипотекабанк» вилоят филиали, «Оқсоқоллар» кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, шаҳар ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси вакиллари қатнашди.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» муҳбири

ҲАЁТ БЎСАФАСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани ФХДБ бўлими ходимлари томонидан ёшлар орасида никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, оталик ва оналик бурчлари тўғрисида тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилапти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий таъсири ҳақида суҳбатлар уюштирилиб, учрашувлар ташкил этилмоқда.

Бўтақўз ЕРГУЛАНОВА,
Шуманай тумани ФХДБ бўлими бошлиғи

ХУҚУҚШУНОС МАСЛАҲАТЧИЛАР СЕМИНАРИ

«Қамолот» ЁИҲ Фарғона вилоят кенгашининг мажлислар залида «Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятдаги давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқшунос-маслаҳатчилари иштирок этишди.

Хуршид СУЛТОНОВ,
«Инсон ва қонун» муҳбири

БОШҚАРМАДА ДАВРА СУҲБАТИ

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганидан сўнг ўтган давр мубайнида Хоразм вилоятида салмоқли тадбирлар амалга оширилди.

Урганч шаҳрида вилоят адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати ана шу долзарб масаланинг ҳуқуқий ва амалий ечимларига бағишланди. Унда маҳаллий ҳокимият идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруви органлари, хотин-қизлар ташкилотлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва банк муассасалари вакиллари иштирок этиб, Ўртабшмиз Фармонидан келиб чиқиб, ёшлар ижтимоий турмуши ва маънавий савиясини юксалтириш борасида амалга оширилган ишларга тўхталдилар.

Илҳом ТЎРАЕВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Хуқуқий таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунларга ҳамда ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури"нинг асосий вазифалари сирасига киради.



Ушбу дастур талабларига мувофиқ ўтган йилда Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий мавзуларга бағишланган, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган ва жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган **43** мингдан ортиқ

Тадбир

"ЭНГ ЯХШИ ҲУҚУҚИЙ МАҚОЛА"

танловига бағишланди

Тадбирлар ўтказилди. Уларнинг **2367** таси телекўрсатувлар, **2555** таси радиоэшитиришлар орқали ташкил этилган бўлса, қарийб **4** мингтаси матбуот нашрлари орқали амалга оширилган.

Бу ишларнинг янада самарали бўлиши аввало ҳамкорликка боғлиқ. Шу мақсадда Адлия вазирлиги томонидан бешка давлат органлари билан ҳамкорликни янада яхшилаш, оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳуқуқ тарғиботига кенгрок жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Улардан бири матбуот орқали ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган, тарғиботни мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган "Энг яхши ҳуқуқий мақола" республика кўрик-танловидир.

Адлия вазирлиги томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган ушбу танловнинг 2007 йилги босқичида ҳуқуқшунос амалиётчилар ва олимлар, журна-

листлар ва бошқа жамоатчилик вакиллари мингдан ортиқ мақолалари билан иштирок этишди.

Адлия вазирлигида ана шу кўрик-танлов якунларини эълон қилишга ҳамда ғолибларни тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот



воситалари ходимлари қатнашди. Танлов якунига кўра,



Самарқанд вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси **Исматулла Йўлдошев** 1-ўринга, "Народное слово" газетасининг катта муҳбири **Машкура Захибова** 2-ўринга, Қорақалпоғистон Республикаси Амурдарё тумани давлат нотариал идорасининг катта нотариуси **Пардагул Матчанова** ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси "Оила маросимлари маркази" директори **Ўктамхон Қодировалар** 3-ўринга сазовор бўлишди. Ғолиблар Адлия вазир-

лигининг дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, меҳнат фахрийси **Азиз Юнусов**, "Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" газетаси муҳбири **Орзугул Рустамова**, Тошкент Давлат юридик институти "Давлат ва ҳуқуқ тарихи" кафедраси доценти **Феруза Мухитдинова**, Ички ишлар вазирлиги бирлашган таҳририятининг муҳбири **Дурдидой Худойкуров**, Тошкент юридик коллежи директорининг ўринбосари **Эргашбой Сайитовларга** ҳам танловдаги ғолиб иштироки учун Адлия вазирлигининг рағбатлантирувчи фахрий ёрликлари топширилди.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиб бериш - ҳуқуқий давлатнинг қарор топишида муҳим йўналишдир.

Дилором МАТКАРИМОВА
"Инсон ва қонун"
муҳбири
Суратларда: тадбирдан лавҳалар.
Бахтиёр АКРАМОВ
олган суратлар

Қонуннинг моҳияти

ПОЧТА ТЎЛОВЛАРИ ХИЗМАТЛАРИ

тўғрисидаги Битимга қўшилишининг аҳамияти



(Давоми. Боши 1-бетда)
Умумжаҳон почта иттифоқи почта хизматлари ҳамкорлиги учун асосий форум ҳисобланиб, у маънавият ва воситачилик, керак бўлса, техник ёрдам бериб, универсал тармоқлар ёрдамида почта маҳсулотлари ва хизматларини кўрсатувчи ягона тизимнинг узлуксиз ишлашини таъминлаб беради. Бундан ташқари, Умумжаҳон почта иттифоқи халқаро почта алмашинувининг қондаларини белгилаб беради ҳамда почта қўламини кенгайтириш, миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга доир тақлифлар беради.

Умумжаҳон почта иттифоқи сиёсий бўлмаган ташкилотлар сирасига кирганлиги боис, у аъзо давлатлар миллий почтасининг ички ишларига аралашмайди. Шунинг учун жойлардаги миллий почта муассасалари мустақил равишда ўз хизматларига бўлган тарифларни ҳамда қандай турдаги маркаларни ва уларни қанча миқдорда чиқаришни ўзлари белгилайдилар.

2004 йил 5 октябрь кунини Бухарест шаҳрида имзоланган Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битим пул жўнатмаларини амалга оширишни назарда тутувчи хизматларни кўрсатишга, бу эса, Битимга аъзо давлатларнинг почта муассасалари, шу жумладан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан, валюта-айирбошлаш хизматлари йўлга қўйилишини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги 128-сонли Қарори билан тасдиқланган "2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизини янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш Дастури"га мувофиқ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ўз ичига қўйидаги филиаллар ва шохобчаларни олган:

189 та туман ва шаҳар уезлларида, 2991 та алоқа бўлимларидан

(улардан 2305 таси қишлоқ жойларида) иборат бўлган 14 та минтақавий филиаллар;

3 та ихтисослаштирилган филиал — "Халқаро почта", "Халқаро тезкор почта", "Ўзбекистон маркаси";

почта жўнатмаларининг мунтазам равишда ташилишини таъминловчи 1 та темир йўл, 34 та авиа, 529 та автомобиль йўналишлари.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида"ги Қонуни қабул қилинишига қадар "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан "Ижтимоий аҳамиятга эга носовдо тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Битимга мувофиқ ижтимоий йўналтирилган, яъни нафақа ва алимент пул жўнатмаларини қабул қилиш ва бериш хизматлари амалга оширилиб келинган.

Хозирга келиб, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ халқаро электрон пул жўнатмалари бўйича сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида Умумжаҳон почта иттифоқининг халқаро молиявий тизимига қўшилган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида"ги Қонунининг қабул қилиниши пул жўнатмаларини амалга оширувчи молиявий институтидан ўртада соғлом рақобатни юзага келтиради, бу эса шу каби хизматлар нархининг қайтарилишига ҳамда миқозлар сонининг ортишига олиб келади.

Дилшод РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингининг бош илмий ходими

Талқин

АСОССИЗ ДАЪВОЛАР

ёхуд судга ҳужжатларнинг етарлича тақдим этилмаганлиги хусусида

Маълумки, атроф-муҳит, табиий бойликлар ва ўсимликлар дунёсини ҳимоя қилиб, авайлаб-асраш ва уларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳар биримизнинг конституциявий бурчимиз ҳисобланади. Республикаимиз Конституциясининг 20, 50, 54 ва 55-моддалари ҳамда "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунда бу борадаги вазифалар кўрсатилган бўлиб, ҳар бир фуқаро, корхона, ташкилот ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларида ана шу талабларни сўзсиз бажаришлари лозим.



Мазкур қонуний талаблар бузилмаслигини жойларда назорат қилиш вазифаси Табиатни муҳофаза қилиш вилоят кўмитаси ва унинг шаҳар ҳамда туман бўлимлари зиммасига юклатилган. Қонун талаблари бузилганлиги аниқланган ҳолларда мазкур кўмита ходимлари бу ҳақда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, айбдор шахслардан етказилган зарарни ундириб олиш учун судларга даъво аризалари киритиш ҳуқуқига эга. Ҳўш, мазкур кўмита ходимлари ўзларига юклатилган бу вазифани қандай бажаришяпти? Биз кўмита томонидан Қашқадарё вилоят ҳўжалик судига 2007 йил мейда келиб тушган даъво аризалари асосида ҳўжалик судига қорхона ва ташкилотлар томонидан табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талаблари бузилганлиги ҳолати юзасидан айбдорлардан етказилган зарарларни ундириш бўйича 32 та даъво аризаси киритилган бўлиб, уларнинг 25 таси асосли деб топилган ва даъволар қаноатлантирилган. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 7 та даъво аризаси вилоят ҳўжалик суди томонидан қаноатлантирилмаган. Табиатни муҳофаза қилиш вилоят кўмитаси Қашқадарё вилоят ҳўжалик судига

ларнинг кўрғазмаларини тинглаб ва уларга ҳуқуқий баҳо бериб, ушбу даъволарни асоссиз, деб топди. Суд кўмита томонидан тақдим этилган далиллар ва улар вакилларининг гувоҳликлари ушбу фермер ҳўжалиги далаасидан ҳақиқатан ҳам кўрсатилган даракларни «руҳсатсиз, қонунга хилоф равишда тағтомири билан кўпориб ташлангани»ни тасдиқлаш ва шу туфайли фермер ҳўжалигидан даъвода кўрсатилган суммани ундиришга етарли асос бўлолмайди, деган тўхтамага келди. Чунки, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги далолатномалар тузишда фермер ҳўжалиги вакили ёки ҳолисани иштирок этишмаган, улар асосан кўмита вакиллари иштирокида, бир томонлама тузилган бўлиб, унда дараклар фермер ҳўжалигининг қайси далаасида, қачон ва ким томонидан кўпориб ташлангани аниқ кўрсатилмаган. Судда аниқла-нишича, фермер ҳўжалигига тегишли олмасор кўмита вакиллари томонидан ҳўжалик раҳбарининг иштирокисиз ва унинг розилигисиз, ўзбошимчилик билан кўздан кечирилган.

Суд мажлисида кўмита раиси П. Сувонов бошчилигидаги вакиллар даъвода кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни фермер ҳўжалиги аъзолари ҳақиқатан ҳам содир этганлигини исботлаб бера олишмади. Суд кўмитанинг ҳар икки даъвосини ҳам асоссиз, деб топиб, уларни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Шу билан бирга асоссиз билдирилган даъволар бўйича туланиши лозим бўлган давлат божи ҳамда суд харажатларини даъвогарлардан ундириш бўйича кўмита раҳбариятига тақдиминома киритилди.

Суд мазкур ҳолат юзасидан адолатли қарор чиқариш баробарида табиатни муҳофаза қилиш вилоят кўмитаси маъсул ходимларига қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан барча ашёвий далиллар етарли бўлгандагина судга мурожаат қилиш ўринли бўлиши тўғрисида эслатиб ўтди.

Мирза ТУРСУНОВ,
Қашқадарё вилояти ҳўжалик судининг судьяси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2007 йил 18 мейда қабул қилинган Фармонини ҳаётга татбиқ этишда нотариал идораларининг ҳам хизмати бор, албатта.


Кўмак

ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Чунки банклардан ёш оилаларга бериладиган ипотека ҳамда истеъмол кредитлари, шунингдек, ёш оилаларни кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик билан шугулланишлари учун қасанчиликни ривожлантириш, шахсий қорхона ҳужжатларини қонуний тарзда расмийлаштиришда бизнинг идорамиз кўмак бермоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг Қарор ва Фармонларини аҳоли ўртасида, аиникса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш учун ҳар ҳафтанинг душанба кунини шаҳримиздаги мавжуд 35 та маҳаллага ҳокимиятнинг маърифат ва маънавият гуруҳи билан ҳамкорликда навбатма-навбат ташриф буюраемиз. Шунингдек, шаҳримизда Тиббиёт, иқтисод, педагогика коллежлари бор. Ана шу ўқув даргоҳларининг ёшлари билан ҳам мунтазам равишда учрашу-лар, суҳбатлар уюштирамиз. Бу жараёнда эса фуқароларга ҳамда ёшларга берилган имтиёзлар, тадбиркорликни шакллантириш ва уни ривожлантириш учун бериладиган кредитларни қонуний тарзда олиш йўл-йўриқларини тушунтирамиз. Суҳбат ва учрашуларда аксарият фуқаролар банкка мурожаат қилганлиги ва унга ипотека кредити берилмагани ҳақида нолиб гапириб қолади.

Ҳамма нарсанинг ҳам ўз қонун-қоида-си бор. Ипотека кредити қуйидагиларга берилди. Ушбу кредитни олиш учун фуқаро 20 ёшдан 30 ёшгача бўлиши, муомала лаёқати, доимий иш жойи, муқим



яшаш жойидан рўйхатдан ўтган ҳамда ўз фаолияти натижасида олинган даромадларига ва бошқа даромадларга эга бўлиши керак ва у қонуний никоҳдан ўтган ёш оилаларга берилади.

2007 йилда Каттақўрғон шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси томонидан қирқ нафар ёш оилага ипотека кредити қонуний тарзда расмийлаштириб берилди. Ушбу ипотека кредити шартномаларини расмийлаштиришда қонунда кўрсатилган барча ҳужжатлар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ёш оилалар ҳамда фуқароларга бериладиган кредитларнинг қонунийлигини таъминлаш нотариал идоралари зиммасида эканлигини унутмаслигимиз керак.

Матлуба НЕЪМАТОВА,
Каттақўрғон шаҳар 1-давлат нотариал идорасининг катта нотариуси

Адлия ёрдам беда

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯДА

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Афсуски, айрим ҳолларда назорат қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахслар фаолиятга ноқонуний аралаш-иш, уларни ноқонуний маъмурий жавобгарликка ва молиявий жазога тортиш каби қонунбузарликларга йўл қўйилмоқда.

Тахлиллар кўрсатишича, назорат идораларининг ҳўжалик юритувчи субъектларида ноқонуний текширишлар ўтказиш ҳоллари сезиларли даражада қамаяпти. Бирок, бу каби қонунбузрилиш ҳолатларидан тамомила қутула олмаемиз.

Жумладан, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашининг Навоий вилоят ҳудудий комиссияси томонидан Томди туман ДСИга 2007 йил июнь ойи-

нинг 1 иш кунини "Томди савдо" МЧЖда савдо ва нақд пул тушуми юзасидан қисқа муддатли текширишга рухсат берилган бўлса-да, туман ДСИнинг 2007 йил 20 июндаги 45-ХС-сонли буйруғи билан инспекция ходимлари томонидан жамиятнинг 28, 36-сонли дўконларида 20 июнда бир кунлик муддатга қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, текшириш якунлари бўйича жавобгарлик масаласи кўриб чиқилган.

Бирок, ДСИ ходимлари мувофиқлаштирувчи Кенгашининг ёқоридида рухсатини асос қилган ҳолда 2007 йил 25 июнда 47-ХС-сонли буйруқ билан "Томди савдо" МЧЖнинг 34-сонли савдо дўконини ҳам текшириш ўтказган ва савдо қоидалари бузилган, деб топиб, жамиятга энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баробари миқдориди

молиявий жарима қўлла-ган.

Адлия бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганишда "Томди савдо" МЧЖда 2007 йил 25 июнда ўтказилган текширишнинг ноқонунийлиги аниқланиб, Навоий вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди. Ушбу даъво аризасига асосан солиқ органнинг молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги қарори ҳақиқий эмас, деб топилди.

Шу ўринда, яна бир муҳим масала хусусида, яъни тадбиркорлик субъектларини маъмурий жавобгарликка ҳамда уларни молиявий жазога тортишда юзага келаётган муаммоларга тўхталасан.

Амалдаги қонунчиликда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти назорат қилувчи идоралар томонидан текширилётганда ва текшириш якуни бўйича

далолатномалар тузилаётганда ҳўжалик юритувчи субъект раҳбари иштирок этиши лозимлиги тўғрисидаги талаблар мавжуд. Бирок, айрим текширишларда ҳўжалик юритувчи субъект раҳбари текшириш якунини расмийлаштиришда иштирок этмасдан қолиши унга нисбатан қўламанлиётган жазо чораларининг қонунийлиги ва ҳолисалигига ўз тасирини ўтказмасдан қолмайди.

Жумладан, Наманган вилояти, Поп тумани ДСИси томонидан "Наманган телеком" АЖнинг туман бўлимида 2007 йил 19-28 апрель кунлари текшириш ўтказилган. Текшириш давомида аниқланган ҳолатлар юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилмасдан, ДСИ бошлигининг қарори билан жами-

ят бўлим бошлиғи С.Исроиловдан 124200 сўм, бош хисобчи Н.Зиннатовдан эса 62100 сўм жарима суммалари ноқонуний равишда ундирилган. Адлия бошқармаси томонидан жамият манфаатини қўлаб, фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, шунга асосан 2007 йил 6 декабрь кунини туман ДСИ бошлиғи М.Бузурукхондан 186300 сўм моддий зарарни ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарорини қабул қилинди.

Иқтисодиётимизнинг таънигига айланаётган тадбиркор эркин фаолият юритса, эришган ютуғимизнинг энг қаттаси шу бўлади. Бу мақсадга эришиш бир томондан давлат идораларига, иккинчи томондан тадбиркорга фақат қонун асосида фаолият юритиш каби масъулиятни англаб етиш ва шу йўлда меҳнат қилиш каби вазифаларни оқлайди. Бу вазифалар ҳар бир тадбиркор ва ҳар бир давлат идораси ходимининг фаолияти даврида асосий мезон бўлиб ҳисобланмоғи лозим.

Азиз ЭРГАШЕВ,
Адлия вазирлигининг масъул ходими

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш учун мустақам пойдевор яратишда бюджет ва солиқ ислохотларини чуқурлаштириш, солиқ тизимини содда-лаштириш ва унификация қилиш ҳамда солиқ юкнин янада камайитириш муҳим роль ўйнайди.

• Шарҳ

СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАР



Солиқ тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат натижасида Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси қабул қилинди. Янги қабул қилинган Солиқ кодекси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек, солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди.

Эндиликда барча турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш тартиблари ва тўлаш муддатлари, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари янги Солиқ кодексида белгиланган бўлиб, ҳар бир солиқ тўловчи, унга асосан ўзининг давлат, халқ олдидagi мажбуриятини бажариш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имкони турилди.

Янги Солиқ кодексида бир қанча афзалликлар белгиланган. Мисол учун, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ифода этилган 31-моддада солиқ тўловчиларга қўшимча равишда:

- солиқ муносабатлари масалалари юзасидан ўз манфаатларини шахсан ёки ўз вакили орқали ифода этиш;
- ушбу кодексда ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган шартларда ва тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни чекитириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш;
- давлат солиқ хизмати органларининг, бошқа ваколатли органлар ва улар мансабдор шахсларининг ушбу Кодексга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлари ҳамда талабларини бажармаслик;
- давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг қонунга хилоф қарорлари ёки улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари тўғрисида қилинган қарарларнинг ўрни қопланганини белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқлари берилган.

Шу билан бирга, мажбурий тўловларнинг ҳисоблаб чиқариш тартиблари ва тўлаш муддатлари, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари янги Солиқ кодексида белгиланган бўлиб, ҳар бир солиқ тўловчи, унга асосан ўзининг давлат, халқ олдидagi мажбуриятини бажариш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имкони турилди.

Юзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддаси билан Вазирлар Маҳкамасига 2008 ва 2009 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг амал қилиши ва самардорлиги мунтазам равишда ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилинишини таъминлаш вазифаси юклатилган. Бу эса, Солиқ кодекси нормаларининг самарали амал қилишини таъминлайди.

Ҳ.РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани
Давлат солиқ инспекциясининг шўба бошлиғи

ОИЛАДАГИ ОСОЙИШТАЛИК...

хонадонлардаги хотиржамлик жамият фаровонлигининг муҳим мезонидир

(Давоми. Боши 1-бетда)

Марказ ташкил этилгандан буён унинг ходимлари томонидан 73 та дарслик, қўлланма, монография ва «Оила кутубхонаси» серияси-даги рисолалар, 382 та илмий-оммабоп мақола чоп этилди, 252 та буклет тайёрланди. Шунингдек, 33 та дарслик, 28 та методик тавсия, 6 та низом ходимларимиз томонидан ишлаб чиқилиб, амалиётга таътиб этилди.

Оилаларни ўрганиш бўйича 48 номдаги саволномалардан тадқиқот ишларимизда кенг фойдаланилди. Буларнинг аксарияти инсон ва унинг қонунларга тўғри муносабати масаласига бағишланганлиги билан диққатга сазовордир.

— Мамлакатимизда оилага доир турли муаммоларни ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш ўта долзарб масала ҳисобланади. Сиз раҳбарлик қилаётган марказда бу масалага эътибор қай даражада?

— Мамлакатимизда мавжуд оилаларга доир турли муаммоларни ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш маркази фаолияти учун бош масала ҳисобланади. Марказ ташкил этилгандан буён 18 та илмий лойиҳа бажарилиб, улардан 14 таси таътибқий изланишлар бўлса, иккитаси фундаментал, 2 таси инновацион тадқиқотлардир. Бундан ташқари, 6 та халқаро ташкилот лойиҳалари бўйича амалга оширилган ишлар ҳам оила саломатлиги, хотин-қизларимизнинг репродуктив ҳуқуқлари ва саломатлиги масалалари, болаларда йод танқислигининг олдини олиш муаммоларига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир. Тадқиқотлар натижалари нафақат юқорида баён қилинган тақдир-тавсиялар, қўлланмалар, рисола, буклетларда, балки оммавий ахборот воситалари, жумладан, радио, телевидение, матбуот орқали кенг ёритилади.

— Оилавий ажраллишларнинг олдини олиш, оилалар мустақамлигини таъминлаш борасида марказда қандай илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда?

— Албатта, оилани мустақамлаш, аввало, никоҳ ажримларини камайитиришни тақозо этади. Ҳар қандай

жамиятда бўлганидек, бизда ҳам ажрим ҳолатлари қайд этилади. Марказимизнинг вазифаси турли ҳудудларда, турли таркибли ва тизимли оилаларда рўй берадиган ажримларнинг сабабларини ўрганиш ва шунга қўра муайян ҳулосаларни чиқариш, тегишли ташкилот ва жамоатчиликка тавсиялар беришдан иборат.

Никоҳ ажримларининг сабаблари ўрганилганда, аксарият ҳолларда эр-хотиннинг ўзаро келишмовчиликлари, феъл-атворининг бир-бирига мос келмаслиги, рашк, келин билан қайнона ва бошқа яқин қариндошларнинг чиқимасликлари, эрнинг зарарли одатларга берилиб кетиши (ичкиликка, гижванд моддаларга ва шу каби), эрнинг иш билан банд бўлганлиги сабабли оиланинг маънавий муаммоларини бўйича олишдан бош тортиши, қудаларнинг тўйдан кейин ўзаро келишмай қолишлари каби ҳолатлар эканлиги маълум бўлмоқда.

Лекин биз оилавий низо-ларнинг асл сабаблари ва омилига қўпроқ эътибор қаратамиз. Оилавий низо-лар кўпроқ ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги тўғрисида келиши қўлаб изланишларда исботланган. Бундай ҳолат оиланинг иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, демографик функцияларининг ёшлар томонидан ўзлаштирилмаганлиги, ота-оналар эса бу борада фарзандларни етарли маълумотлар билан таъминламагани, ота-она сифатида фарзандларига ибрат бўла олмаганиликлари билан изоҳланади. Демак, оилавий ҳаётга тайёрлаш дастурларида изчиллик ва самара бўлишида «оила-маҳалла-таълим муассасаси» тизимидаги ишларга эътиборни янада қучайтириш лозим.

— «Ёшлар йили»даги режаларингиз билан ўртоқлашсангиз?

— Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва маданияти қўнқималарини шакллантириш, уларда ораста, шинам, фарзанд тарбияси учун қўлай шарт-шароитлар тўғрисида аниқ тасаввурни шакллантириш мақсадида «Энг намунали ёш оила» мавзуйда республика кўрик-танловини ўтказишни режалаштирганмиз. Бу

тадбирни республика хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, «Экосан» халқаро жамғармаси каби қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда, маҳаллардаги диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан биргаликда ўтказамиз. Бундан ташқари, ёш оила вақилларида ўз оиласи учун маъсулйат ҳиссини шакллантириш, келин-куёвларни ота-онага, кекса авлод вақилларига ҳурмат-эҳтиром, халқимизнинг боқий маънавий қадриятларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, соғлом фарзандни дунёга келтириб, тарбиялашга интилиш туйғулари каби фазилатларни шакллантириш мақсадида қатор маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш ниятидамиз. Аввалдан давом этиб келаётган самарали ишларимиз қаторида ёшларда замонавий турмуш маданияти қўнқималарини шакллантириш, бола тарбияси илмини эгаллашларини ташкил этиш учун «Ёш оила мактаби», «Ота-оналар университети», «Як-шанба мактаби» каби жамоатчилик марказлари ва ўқув курслари фаолиятини такомиллаштириш кўзда тутилган. Шунингдек, оилани талабаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тиббий-жисмоний, руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш, мактаб ва ўрта-хунар ўқув юрталари ўқувчилари учун оила илмини етакзавчи дастурларни такомиллаштириш ва ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилиш оилавий ажраллишларнинг олдини олиш ва камайитириш, оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ёш оилалар демографик ҳолатини ўрганиш мақсадида бошлаган тадқиқот ишларини якунлаш белгиланган. Шу сингари қатор хайрли ишларимиз юртимизда маънавий барқарорликнинг кафолати бўлиши оила институтини мустақамлашга, муносиб ворислар сулоласини тарбиялашга, эркин демократия давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга ўз ҳиссасини қўшади, деб умид қиламиз.

«Инсон ва қонун» мухбири Дилфуза РАХИМБЕКОВА сўхбатлашди

Дунёнигоҳи

САЙЛОВОЛДИ ТАРҒИБОТИ БОШЛАНДИ

Маълумки, шу йил 2 мартда Россияда президент сайлови бўлиб ўтади. Шунинг учун бир ойлик сайловолди тарғиботи расмий шарт берилди. Бунда ОАВ асосий роль ўйнайди. Марказий сайлов комитетининг маълум қилишича, сайловолди тарғиботи мавсуми 1 март ярим тунда якунланади.

Теле ва радиодebатларда уч номзод — Демократик партия раҳбари Андрей Богданов, Либерал-демократик партия етакчиси Владимир Жириновский ҳамда Коммунистик партия раҳбари Геннадий Зюгановлар иштирок этади. Президентликка тўртинчи номзод — «Единая Россия» партияси вакили, Россия бош вазирининг биринчи ўринбосари Дмитрий Медведев теледебатларда иштирок этишни рад қилди.



РАКЕТАГА ҚАРШИ МУДОФАА ЮЗАСИДАН КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР

Польша ва АҚШ маъмуриятлари расмий Вашингтоннинг Польша ҳудудига ракета ҳужумига қарши мудофаа тизими элементларини ўрнатиш режаси юзасидан ўзаро келишиб олдилар.



СОБИҚ ВАЗИР ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Озарбойжон Иқтисодий ривожланиш вазирлигининг собиқ раҳбари, махбус Фарход Алиев очлик эълон қилди, дея хабар беради «Интерфакс» АА.


Унинг адвокати Исaxon Ашуровнинг айтишича, Ф.Алиев ўзини ноқонуний қамоққа олинган деб ҳисобламакда. Унинг соғлиғи ёмонлашган бўлишига қарамай, тиббий хизмат кўрсатилмаётганига норозилик сифатида очлик эълон қилган.



ТЕРГОВ ЖАРАЁНИДА МУШТЛАШУВ ТАҚРОРЛАНИШИ МУМКИН

Хабарингиз бўлса керак, газетамизнинг аввали сонларидан бирида Киев шаҳри мэри Леонид Черновецкий билан Украинанин ички ишлар вазирини Юрий Луценконинг президент котибияти йимиллишидаги муштлашуви ҳақида хабар берган эдик. Ҳозир Киев шаҳри прокуратураси ушбу иш юзасидан тергов-суриштирув олиб бормоқда.

Прокурор Евгений Блаживский Киевда ўтказилган матбуот анжуманида журналистларга шунини маълум қилдики, — дейилади «Интерфакс» АА хабарига, — агар тергов жараёни давомида муштлашув «деталлари»ни аниқлашга эҳтиёж турлса, ушбу муштлашув тақдоран яна айнан президент котибиятида, икки «зўравон» ўртасида ташкиллаштирилиши мумкин экан.



ТАНГ АҲВОЛДА ҚОЛГАНИ УЧУН

БМТнинг Ахборот марказидан хабар беришларича, Тожикистонда қишининг ўта совуқ келиши оқибатида миллионлаб одамлар электр энергиясиз, иссиқлик ва ичимлик сув таъминотисиз қолган. Кўплаб сув узатиш тизими сувоқда музлаб ёрилгани боис, ишдан чиққан.



Ушбу қутилмаган совуқ оқибатида республикадаги Нурек сув омборида сув сатҳи бирдан камайиб кетган, натижада Нурек ГЭСининг иш қуввати пасайган. Бу эса электр энергияси таъминотида зулишларга сабаб бўлмоқда. Ҳатто пойтахт Душанбе бир кунда бир неча соатгина электр ва иссиқлик билан таъминланмакда холос. Кўпгина қишлоқ аҳоли пунктларида нафақат электр, балки ичишга сув ҳам йўқ, қудуқлар музлаб қолган.

БМТнинг Болалар жамғармаси хабар беришича, 3800 дан ортик мактаб айнаи дамида иситилмапти, электрсиз қолган. Шунинг учун БМТ Тожикистонга инсонспарварлик ёрдамлари кўрсатишга киришди, дейилади «Новости» АА хабарига.

Маълумки, 2003 йилнинг 15 октябрдан бошлаб республикада жорий операциялар бўйича сўмининг эркин алмаштирилиши расман эълон қилинган. Бу эса иқтисодиётнинг барқарорлашуви, инфляция даражаси пасайишига, инвестиция жараёнига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Ўз навбатида ички валюта бозорининг эркинлашуви, товарлар экспорт-импорти, валюта олди-сотдиси, молиявий операциялар ва савдога алоқадор бўлган пул ўтказиш тушумларининг эркинлашуви олиб келди.

Қонундан четга чиқманг! «ҚОРА БОЗОР»ДАГИ ҚУРУМ

ёхуд банклар эшиги очик турса-да, ноқонуний хизмат тури билан шуғулланаётганлар ҳусусида...

Шунингдек, мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида миллий валютамизни чет эл валютасига айирбошлаш шохобчалари фаолияти тўғрисида аҳолининг эркин муомаладаги валютани ҳеч қандай тўсиқсиз сотиб олиш ёки сотиш имконияти туғилди. Бу билан, аввало, ноқонуний валютафурушлар фаолиятига чек қўйилди. Бироқ ҳамон мавжуд қонунларга чап бериб, хорижий валюта алмаштиришни ўзларига «қасб» қилиб олганлар учраб турибди.

2007 йил мобайнида республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси ходимларининг сай-ҳаракатлари билан 189 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Ҳуқуқбузарлардан 205.957 АҚШ доллари, 29.749 минг Ўзбекистон миллий сўми, 116.200 Қозоғистон тенгеси, 21.260 Россия рубли ва 498 Қирғизистон соми олиб қўйилиб, давлат ҳисобига мусодара қилинди.

Республикамизнинг барча шаҳар ва вилоятларида чет эл валютасини эркин айирбошлаш бўйича 1800 га яқин шохобча фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан 600 га яқини Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган. Аммо ана шундай қўлай имкониятларга қарамай, бу йўналишдаги қонунбузилишлар бугунги кунда кўпроқ ўзгалар фуқаролик паспортидан фойдаланган ҳолда валюта шохобчаларидан доллар сотиб олиб, уларни қайта сотиш би-

шоблади. Аммо, ойна этак билан ёпиб бўлмайдиган, деганларидек, унинг ҳам қонунга хилоф равишда бозор ҳудудида жойлашган АТ «Туронбанк»га қарашли валюта айирбошлаш шохобчасидан фуқаро Қўзиёва Райхонга 5000 сўм ҳақ бериш эвазига унинг фуқаролик паспортидан фойдаланиб 5000

да иш тутди. Унинг дастлабки уринишлари зое кетмади. Озми-кўпми, даромадли бўлди. Лекин, кўза кунда эмас, кунда синишти турсан гап, албатта. Чунки Ҳусниддин Сайлиев ҳам ўзига таниш бўлмаган шахс билан келишиб, унинг фуқаролик паспортига 8000 сўм ҳақ эвазига 5000 АҚШ доллари олаёт-

да иш тутди. Унинг дастлабки уринишлари зое кетмади. Озми-кўпми, даромадли бўлди. Лекин, кўза кунда эмас, кунда синишти турсан гап, албатта. Чунки Ҳусниддин Сайлиев ҳам ўзига таниш бўлмаган шахс билан келишиб, унинг фуқаролик паспортига 8000 сўм ҳақ эвазига 5000 АҚШ доллари олаёт-

«ҚОРА БОЗОР»ДАГИ ҚУРУМ

ёхуд банклар эшиги очик турса-да, ноқонуний хизмат тури билан шуғулланаётганлар ҳусусида...

ган вақтда қўлга олинди. Тадбир якунида у томонидан ноқонуний равишда олинган 5000 АҚШ доллари масала қонуний ҳал бўлгунча қадар вақтинчалик олиб қўйилди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Савол туғилиши табиий, ҳар қадамда, қолаверса, ҳар бир банкда валюта айирбошлаш шохобчаси бўла туриб, нега айрим шахслар «қора бозор»нинг товламачи фирибгарларига мурожаат қилишади. Жавоб эса оддий, яъни сохта тадбиркорларгина ноқонуний йўллар билан топилиган нақд пул маблағларини расмий валюта алмаштириш шохобчалари орқали эмас, балки «қора бозор»да алмаштиришни афзал қўрадилар. Чунки ўзларининг қинғир фаолиятини ҳамда нақд пул маблағларини келиш манбаларини ошқор қилиб қўймайлик ва назорат қилувчи органларнинг эътиборига тушиб қолмасликларни учун шу

АҚШ доллари сотиб олаётган вақтда қўлга олинди. Бозорларда, кўчаларда ноқонуний равишда валюта олди-сотдиси билан шуғулланиш таътиб қилинганлиги кўпчиликка кундай равшан. Ҳусниддин Сайлиев ҳам бунини айтганда, «Аҳмад Доғи» бозори ҳудудида валюта олди-сотдиси билан шуғуллана

лота алмаштириш шохобчалари орқали эмас, балки «қора бозор»да алмаштиришни афзал қўрадилар. Чунки ўзларининг қинғир фаолиятини ҳамда нақд пул маблағларини келиш манбаларини ошқор қилиб қўймайлик ва назорат қилувчи органларнинг эътиборига тушиб қолмасликларни учун шу

йўлни танлашади. Афсуски, баъзан уларга хайрихоҳлик қиладиганлар ҳам топилади. Департамент ходимлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар натижасида айрим банк ходимлари ҳам ўз мансаб валюлатини суиистеъмол қилиб, ноқонуний валюта айирбошлашда иштирок этаётган ҳолатлари аниқланмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани, Хоразм кўчасидаги «Ипотекабанк»нинг Меҳнат филиали кассири Ш.Абдиев қонунга хилоф равишда 10.000 АҚШ долларини 12 миллион 650 минг сўмга ноқонуний сотаётганида ушланди.

Шунингдек, «Халқ банк»и Яқкасарой филиали олдида ўтказилган тадбир натижасида Ф.Қувватов ва Н.Узақовлар ноқонуний равишда 10.000 АҚШ долларини 12 миллион 900 минг сўмга сотаётганлиги аниқланди.

НАЗИРЖОН ТОҒАЕВ, БОШ ПРОКУРАТУРА ҲУЗУРИДАГИ СВОЖИДЛК ДИПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ БЎЛИМИ БОШЛИГИ

НАЗИРЖОН ТОҒАЕВ, БОШ ПРОКУРАТУРА ҲУЗУРИДАГИ СВОЖИДЛК ДИПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ БЎЛИМИ БОШЛИГИ



Чакмоктош

ДЕМОКРИТ (Милоддан аввалги 460-360 йиллар)

Қадимги юнон файласуфи Демокрит Абдера шаҳрида туғилиб ўсган. У бадавлат оиланинг фарзанди эди. Аммо бойликдан кечи-бутун умрини камбағалликда ўтказди. Бор умрини донишсеварликка бағишлади. Миср, Эрон, Ҳиндистон, Ҳабашистонга саёҳат қилган.

Демокрит шаҳар ташқарисидан жойлашган ер остида сағанада кеча-ю кундуз тинмай ижод билан машғул бўлган.



Ута қўпол сўзлаётган бир одамни кўриб, Демокрит шундай деган экан: «Бу одам сўзлай олмаслигини удаларкан-у, аммо сукут сақлашни эплай олмас экан».

У эллика яқин асар ёзиб қолдирган. «Инсон табиати тўғрисида», «Ғоялар ҳақида», «Мақсад ҳақида» ва бошқалар шулар жумласидандир. Пифагорнинг ўғли Аримнест Демокритнинг устози бўлган.

Не тонгки, ҳар қандай одам қанча кўйи борлигини ҳеч бир кийинчиликсиз айта олади-ю, лекин ҳамма ҳам нечта дўсти борлигини санаб беролмайди. Нахотки, дўстлар шунчалик қадрсиз бўлса?

Битта илмий исботу далилни қўлга киритиш мен учун форс салтанатига ҳокимлик қилишдан аълорокдир, — деганди Демокрит.

Ҳамма нарсанинг ўртамёниси аъло. Мўл-қўлчилик ҳам, етишмовчилик ҳам мен учун бегонадир, — дейди Демокрит.

Яқинларининг бахтсизлигидан қувонувчилар тақдир нархпалаги ҳаммага ўз таъсирини ўтказишни тушунмайдилар.

Ҳаддан ортиқ тиламоқлик гўдакларга ярашади. Эрларга эмас.

Мардлик тақдир зарбаларини писанд этмайди.

Бу оламда ё ҳеч нарса чинакам эмас, ёҳуд чинакам нарсаларни биз илғай олмаймиз, — дейди Демокрит.

Демокритнинг донолиги, зукколиги ва ўткир башоратчилиги қобилияти ҳақида қўлаб ривоятлар яратилган. Улардан бирида ҳикоя қилинишича, Эрон шоҳи Доронинг соҳибжамол ва суюқли рафиқаси вафот этади. Хукмдорнинг чуккур қайғуга ботганини кўрган Демокрит ҳамма айтганларини сўзсиз баҳариш шарти билан маликани тирилтиришга ваъда беради. Доро сарой аъёнларига Демокрит истаган нарсани махлиб қилиш ҳақида фармойиш беради. Ҳамма айтганлари бажо бўлгач, Демокрит фақат биргина нарса етишмаётганини, яъни маликанинг қабрига ҳаёти давомида сира ҳам чекмаган учта одамнинг исмини ёзиш кераклигини, шунда малика ўша заҳоти тирилишини айтади. Табиийки, қудратли хукмдор битта ҳам ғамсиз одамни тополмайди. Шунда Демокрит одатдагидек қулиб, Дорога қарата шундай дейди: «Ана шунчақ ношукур зот, ғам-ташвиш фақатгина сенинг бошинга тушгандек эртаю кеч йилгаганинг-йилгаган. Ахир, ақалли битта ҳам ғамсиз одамни тополмадинг-ку!»

Саида ЖУРАЕВА тайёрлади

Бундан беш-олти йил бурун бебош болалар ҳудудимиздаги қабристонга ўйин асносида ўт қўйиб юборишганди. Ушанда шу атрофда яшайдиганлар, маҳалла аҳли, кенг жамоатчилик кўплашиб ёғиннинг олди олинганди. Ёғин сабаби эса атроф ўралмаганлиги, қаровсизлиги эди. Шундан кейин маҳалла аҳли, кенг жамоатчилик ҳашар йўли билан атрофни ўраб, қорувул тайинлаган.

Мулоҳаза ҲАММАНИНГ БОРАР ЖОЙИ доимо обод сақланиши лозим

Бу ўтган гап, бироқ минг афсуски, бугун ҳам айрим жойлардаги қабристонларга мулақо эътибор йўқ. Уларнинг атрофи ўралмаганлиги туфайли ушбу муқаддас жойлар оёқости бўлмоқда. Аслида бу муқаддас жойни кўркам ва обод сақлаш, тозаланишга эътибор бериш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

— Туманда муқаддас қадамжоларни назорат қилиш бевосита жойлардаги имом-хатиблар зиммасига ҳам юклатилган, —



дейди биз билан суҳбатда Каттақўрғон тумани бош имом-хатиби ҳожи Зайниддин Дўстов. — Уларни обод қилиш, покиза

сақлаш биз тирикларнинг бурчимиз. Кўп бор гапирилган бўлса-да, яна айтай, мустақиллик туфайли диний қадриятларимиз тикланди, мустақамланди. Илгари қаровсиз қолган азиз авлиёларимизнинг хоку пойларини қўйилган жойлар ободонлаштирилди. Мисол тариқасида туманимиздаги Ҳўжа Абдурахмон ота қабристонини олайлик. Туманимиз аҳли томонидан ҳашар йўли билан бу ердаги икки гектар майдон ўзлаштирилиб, йигирма хилдан зиёд 450 туп мевали дарахт экилди ва Ҳўжа Абдурахмон ота боғини ташкил этишди. Ҳашар йўли билан масжид қурилди. Шунингдек, Ҳўжа Абулҳасан Андоқий, Саид Жалолдин қабристонлари ҳам ҳашар йўли билан обод қилинган. Умуман, бу жойларни ободонлаштириш кенг жамоатчилик иштирокида амалга ошириладиган хайрли ишдир. Бунинг учун бировдан кўрсатма ёки нажот кутиш шарт эмас. Ҳар биримиз ўтганларнинг ҳурматини жойига қўйсақ, албатта сабов бўлади.

Азим ҚОДИРОВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

Андижон шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган текширувлар таҳлили шаҳар ҳудудда ўсимлик ёғи ва нон маҳсулотли билан аҳолини узулқис таъминлаш масаласида муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Текширув

НАЗОРАТ НЕГА СУСТ?

Нархи қиммат, вазни енгил маҳсулотларни сотаётган кимсалар Эл ризқига хиёнат қилишмоқда

Шаҳарда айрим мутаъадди ташкилотларнинг ўз вазибаларини тўлақонли бажармаганлиги натижасида ўсимлик ёғи ва нон маҳсулотли айрим озиқ-овқат дўконларида қонунга хилоф равишда муомалага қилинмоқда. Сотувдан тушган нақд пуллар эса назорат касса машиналарига кирим қилинмагани ҳолда банкларга топширилмаслик ҳолати юз бераётди. Натижада банкларда нақд пул тушуми кескин камайиб, аҳолига тўланадиган ижтимоий тўловлар вақтида амалга оширилмаганлиги туфайли фуқароларнинг зиҳн ва манфаатларига зиён етказилиб, бир қатор қонунбузилиш ҳолларига йўл қўйилган.

«Водий контакт люкс» МЧЖга қарашли озиқ-овқат



дўконидан сотувчи «Андижон-неғмои» ОАЖда ишлаб чиқарилган, 1 литрли идишларга қадокланган нархи 1600 сўмлик ўсимлик қўрилган 4 литрли ҳўжжасиз муомалага қилиниб, ҳар бирини 3000 сўмдан сотган. Мазкур дўконда оғирлиги 500 грамм бўли-

ши керак бўлган нонлар 440 граммдан тайёрлангани етмагандек, улар 195 сўм ўрнига ҳар бир буханкаси 350 сўмдан сотилган. Сотувдан тушган пул назорат касса машинасига кирим қилинмаган.

Бундан ташқари, Андижон шаҳридаги «Имконият олмос» фирмасига қарашли қоллиги нон тайёрлаш цехида 12 қоп Андижон уни борлиги аниқланган. Андижон шаҳар 9-сон

чи махсус кийим киймаган ҳолда савдо қилган. Комил Яшин кўчасида жойлашган тижорат дўконидан сотувдаги, қаерда тайёрлангани номаълум бўлган, бир донасининг нархи 195 сўм бўлган қоллиги 40 дона ноннинг ҳар бири 350 сўмдан сотилган. Мазкур дўкон ходимлари Андижон шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини хиёма қилиш жамияти мутахассиси ва «Форобий» МФЙ вакилларига бирон бир ҳўжжат кўрсата олишмаган.

Мустақиллик МФЙ, Ҳ.Ҳакимзода кўчасида жойлашган «МАП ва Д.К.Т» фирма дўконидан ҳам ўсимлик ёғини жон бошига 740 грамм ўрнига 500-600 граммдан, урни эса 2900 грамм ўрнига 2500 граммдан сотилган.

Бундан қўринадигани, шаҳар ҳокимлиги, давлат солиқ инспекцияси ва МФЙ фаоллари томонидан бу борада олиб борилаётган ишларда бир қатор хато, камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Демак, ўсимлик ёғи ва ун маҳсулотини аҳолига етказиб беришда ҳали ечимини топмаган муаммолар мавжуд. Бунга барҳам бериш, изчил чора-тадбирларни кўришни мавриди аллақачон етган.

Мехриносо сарой аъёнларидан бири — Шерафканга турмушга чиқишга мажбур қилди. Камбағаллик сабаб шундай «муқофотланган» малак қўшинлар сардори этиб тайинланган эри билан Бенгалияга кўчиб кетди.

Шу тариқа Салим севгилисидан айрилди. Тақдирга тан бермоқликдан ўзга чора топмаган йигит уйланади. Бирок муҳаббатдан бемор юрагининг бир парчаси ҳамон олис юрт Бенгалияда эди. У қандайдир мўъжиза ёки тасодиф бўлишини сезар, ўша кунни интиқлик билан кўтиб яшарди.

1605 йилда Акбаршоҳ вафот этади. Тахтга валиаҳд ўғил шаҳзода Салим ўтиради ва ўзини Жаҳонгиршоҳ деб эълон қилади. Тақдирнинг муқофотли ўйинини қарангки, 1611 йилда Шерафкантон Бенгалия ҳокими Қўтубиддин билан жанжаллашиб қолиб, уни пичоқлаб ўлдиради. Фожиа устига келиб қолган соқилар Шерафканни ҳам тирик қолдиришмайди. Шундан сўнг бева қолган Мехриносо Аграга — Жаҳонгиршоҳ саройига жўнатилади. Жаҳонгиршоҳ учун Мехриносо энг буюқ армон эди. У умр бўйи орзу қилган севгилисини инкинчи хотин қилиб ўз никоҳига олади.

Мехриносо ўз гўзаллиги билан

Илоҳий муҳаббат

ЖАҲОНГИР ҚАЛБИДАГИ ГАВҲАР

Жаҳонгиршоҳ (Салим 1569-1627) Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Бобурдин шаҳзодаларнинг учинчиси эди. Кунлардан бир кун шаҳзода Салим (кейинчалик Жаҳонгир подшоҳ) бозорда бир гўзал қизга кўзи тушади ва унга ошиқи беқарор бўлиб қолади. Унинг фиронига ўртаниб, ҳузур-ҳаловатини йўқотади.

Бўлажак тахт ворисининг эс-ҳушини ўғирлаган бу малак йўқчилик сабаб ўз ватанидан Ҳиндистонга кўчиб келган сарой хизматчисининг қизи Мехриносо эди. Мехриносо бу пайтда балогат ёшига етган, ўзининг тенгсиз ҳусни билан ҳушторларни асир айлаганди. Ишқ қўйида адо бўлган Салим шу қизга уйланишга қарор қилди. У ўз ниятини отаси Акбаршоҳга айтиб, ундан ижозат сўради. Лекин шўх қайда-ю, очарчилик сабаб хизматга ёланган хизматкор қайда...



Ақбаршоҳ ўғлининг кўнглини совутмоқ учун унинг севгилисидан Мехриносо сарой аъёнларидан бири — Шерафканга турмушга чиқишга мажбур қилди. Камбағаллик сабаб шундай «муқофотланган» малак қўшинлар сардори этиб тайинланган эри билан Бенгалияга кўчиб кетди.

Шу тариқа Салим севгилисидан айрилди. Тақдирга тан бермоқликдан ўзга чора топмаган йигит уйланади. Бирок муҳаббатдан бемор юрагининг бир парчаси ҳамон олис юрт Бенгалияда эди. У қандайдир мўъжиза ёки тасодиф бўлишини сезар, ўша кунни интиқлик билан кўтиб яшарди.

1605 йилда Акбаршоҳ вафот этади. Тахтга валиаҳд ўғил шаҳзода Салим ўтиради ва ўзини Жаҳонгиршоҳ деб эълон қилади. Тақдирнинг муқофотли ўйинини қарангки, 1611 йилда Шерафкантон Бенгалия ҳокими Қўтубиддин билан жанжаллашиб қолиб, уни пичоқлаб ўлдиради. Фожиа устига келиб қолган соқилар Шерафканни ҳам тирик қолдиришмайди. Шундан сўнг бева қолган Мехриносо Аграга — Жаҳонгиршоҳ саройига жўнатилади. Жаҳонгиршоҳ учун Мехриносо энг буюқ армон эди. У умр бўйи орзу қилган севгилисини инкинчи хотин қилиб ўз никоҳига олади.

Мехриносо ўз гўзаллиги билан

НАДОМАТ БЕРАҲМ ЭР

ёҳуд жоҳиллик гирдобига чўккан келин

Фузурлик Каримбой бирор касб-корнинг этагидан тутмади. Унга тўғри йўл кўрсатган ота-она, қауму қариндош, маҳалла-қўйнинг насиҳатига қўл силтади. Ҳар қандай оқибатга қўл қўйди. Ҳар қандай оқибатга қўл қўйди. Ҳар қандай оқибатга қўл қўйди. Ҳар қандай оқибатга қўл қўйди.



Ота-она қизини овутиб, панд-насиҳат қилишди ва куёви билан яраштириб қўйишди. Орадан бирикки ой ўтмасдан, жанжал яна тақорланаверди. Каримбой ой сайин ҳалдидан ошиб борар, ур-сур, жанжалларнинг адоғи кўринмасди. Воқеа жиддиллашиб боравергач, ҳудуддаги «Гулшан» фука-

ролар йигини фаоллари эр-хотин жанжалига ара-лашиб сўнги нуқтани кўймоқчи бўлишди. Каримбой турмуш ўртоғини уриб-сўкмаслик ҳақида «тихта» ёзиб берди-ю, сал фурсат ўтмай, яна эски одатини тарқ этмади, хотинини дўппослади. Бу сафар тоқати тоқ бўлган келин ортиқ чидай

Баҳодир ШЕРАЛИЕВ, Фузур тумани прокуратураси терговчиси, 1-даражали юрист

ЭЪЛОН!

Жиззах вилояти адлия бошқармаси Жиззах шаҳар 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига;

Бухоро вилояти адлия бошқармаси Вобкент туман давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳўжжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номиса ариза;
2. Малеми тасдиқланган нусхаси;
3. Бельгиялик шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Мехнат дафтаридаги нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон қилган кундан бошлаб, бир ой давомида тегишли вилоят адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.

Жиззах вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8372) 226-35-81, 226-39-22. Бухоро вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8365) 223-21-20, 223-53-65.

Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан Хатирчи тумани ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати Аҳадов Абдуҳалил Бозоровичга 1997 йил 28 август кунни берилган NV 000051 сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бекор қилинди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Яққасарой туман ФХДЭ бўлими мудираси Азизова Гулчехра Шомухторовнага опаси ШОМАГДИЕВА Раъно Шомухторовнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Адлия вазирлиги Тошкент юридик коллежсининг Маънавият ва матофият ишлари бўйича директори ўришбосари буш лавозимни учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий таълим) ёҳуд таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистрлар, дипломли мутахассислар иштирок этиши мумкин. Номзодларнинг аризалари Адлия вазирлигига тақдим этилади.

- Аризага қуйидаги ҳўжжатлар илова қилинади:
1. Сўровнома (қадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржима ҳол;
 2. Мавзуюни ҳақидаги ҳўжжатнинг нусхаси;
 3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳўжжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
 4. Илмий-услубий ишлар ва иштиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
 5. 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
 6. Директор ўришбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича иштироий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

Ҳўжжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади. Танлов комиссияси ҳўжжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Манзиллими: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй, Адлия вазирлиги биноси. Тел.: 233-50-17

ВНИМАНИЕ!

УПРАВЛЕНИЕ СТАТИСТИКИ г.ТАШКЕНТА

НАПОМИНАЕТ, ЧТО ВСЕ МАЛЫЕ ПРЕДПРИЯТИЯ И МИКРО-ФИРМЫ ОТНОСЯЮЩИЕСЯ К СУБЪЕКТАМ МАЛОГО БИЗНЕСА, НЕЗАВИСИМО ОТ ФОРМ СОБСТВЕННОСТИ В ОБЯЗАТЕЛЬНОМ ПОРЯДКЕ ДОЛЖНЫ ПРЕДОСТАВЛЯТЬ СТАТИСТИЧЕСКИЕ ОТЧЕТЫ ОРГАНЫ СТАТИСТИКИ.

- 1) по форме 1-МБ «Малые бизнес» за 2007 года в срок не позднее 15 февраля 2008 г. районным отделам статистики;
- 2) малые предприятия с иностранными инвестициями представляют статистические отчеты по форме 1-МБ ВЭС в Управление статистики г.Ташкента в срок не позднее 15 февраля 2008 года.

Всем организациям зарегистрированным как некоммерческие предприятия, необходимо предоставить отчет по форме № 1-НКО (доводая).

Телефон для справок: 150-10-03, 236-79-44, 233-72-22

ИНСОН ва ҚОНУН МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ 1996 йилнинг январидан нашр этилади		Бош муҳаррир: Кўчқор НОРҚОБИЛ	ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович Мустафоев Бўриғош Мустафоевич Ражабова Мавжуда Абдуллаевна Махмудов Лазизжон Мирзаевич Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич	Навбатчи: Алимурод ТОҶИБЕВ Саҳифаловчи- дизайнер: Фарход ХУЖАНАЗАРОВ	Индекс: 646882 «ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терлиди ва саҳифаланди. А-2 бичида, 2 босма табоқ ҳақида, офсет усулида «Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмаханасида босилди. Қоржона маълизи: Тошкент шаҳри, Буюқ Тўрон кўчаси 41-уй. Буюртма F-116. Тиражи — 12988. — тижорат мақола. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00	МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-84-50, Факс: 233-95-31. 1 2 3 4 5 7 8
---	--	--	---	--	---	--